

ЭКСТРАДИЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИ ВА МАЗМУНИ

Каримова Дилрабо Эргашевна
ИИБ Академияси кафедра доценти
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Эшқулов Фахриддин Уралбой ўғли
Сайхунобод туман ИИБ ҳузуридаги
тергов гуруҳи катта терговчиси
Муродов Ҳайитали Бегали ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
3-ўқув курси 319-гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллифлар Экстрадиция изохли таҳлили, унинг тушунчаси, экстрадициянинг ривожланиш тарихи, ҳозирги даврда экстрадициянинг аҳволи, экстрадициянинг мазмуни ва Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги экстрадиция қилиш тўғрисидаги битимдан моддаларни келтириб ўтади.

Калит сўзлар: Экстрадиция, Аъзо давлатлар, ушлаб туриш, Томонлар, ушлаб бериш тўғрисида сўров, Келишув битими, ҳуқуқий институт.

АННОТАЦИЯ

В этой статье авторы цитируют статьи из анализа экстрадиции isochli, его концепции, истории развития экстрадиции, ситуации с экстрадицией в современный период, содержания экстрадиции и соглашения об экстрадиции между Узбекистаном и Турцией.

Ключевые слова: экстрадиция, государства-члены, содержание под стражей, стороны, запрос о содержании под стражей, соглашение о соглашении, правовой институт.

ANOTATION

Through this article, the authors cite articles from the extradition isochli analysis, its concept, the history of the development of extradition, the situation of extradition in the present period, the content of extradition and the agreement on extradition between Uzbekistan and Turkey.

Keywords: extradition, member states, holding, parties, request for holding, agreement agreement, legal institution.

Экстрадиция тушунчаси хорижий матбуотларда умумий тарзда қуйидагича талқин этилади: "экстрадиция" ("extradition" лотинча "ex" — ташқарида ва

"traditio" — топшириш; одатдан ташқари илтимос¹) — халқаро шартномалар, миллий қонунчилик ҳужжатлари ёки ўзаро ҳамкорлик тамойили асосида жиноят содир этган ҳамда қоида тариқасида у истиқомат қилаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш учун ваколатли жиноят суд иш юритувига ҳозир бўлишини таъминлашга йўналтирилган давлатлараро ҳуқуқий институт².

Экстрадиция (лот. — дан ва — бериш) — бир давлатдан бошқа бир (хорижий) давлатга ўз фуқаросини (ёки чет эл фуқаросини) ушлаб бериш. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни беришга, халқаро шартномаларда кўрсатилганидек, фақат тегишли давлатлар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки “ўзаролик принципага” асосан йўл қўйилади. Халқаро ҳуқуқнинг умум э‘тироф этилган принципларига асосан, фуқароларга нисбатан ўлим жазоси ёки қийноққа солиш хавфи бўлган давлатларга экстрадиция қилишга йўл қўйилмайди.³

Замонавий тушунча сифатида экстрадиция асосан XVII асрдан бошлаб пайдо бўлган бўлсада, жиноятчилар экстрадиция институти қулликдан бошлаб ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг шаклланиш даврига қадар ривожланишнинг катта эволюция йўлини босиб ўтди. Халқаро шартномаларнинг илк кўринишлари кўпгина халқаро ҳуқуқ институтларига тамал тошини қўйган милоддан аввалги II мингинчи йилликда Миср фиравни Рамзес II ва хеттлар шоҳи Хеттушили ўртасида тузилган тинчлик шартномасида ўз аксини топган⁴. Ушбу шартномада қуллар кўзғолонига қарши кураш бўйича ҳарбий иттифоқ тузиш, қочоқ қулларни ўз мамлакатига ушлаб бериш ҳақида ва бошқа шу каби бир қатор қоидалар мавжуд бўлган. Шартли равишда халқаро жиноят ҳуқуқининг ривожланиш тарихи давридаги қадимги даврга тегишли бўлган ушбу шартнома халқаро характердаги жиноятларга қарши кураш бўйича илк қадамларни бошлаб берган. Экстрадиция қоидалари мавжуд бўлган халқаро шартномаларни юзага келтиришда оғирроқ жазо турлари эътиборга олинган. Ушбу давр давлатларининг урушга ўта мойилликлари уларнинг ўз фуқаролари билан бирга қочоқлар билан муносабатда бўлишларидаги чекланмаган ҳуқуқлар экстрадиция институтининг ишламаслигига ёки камдан кам ҳолларда ишлашига сабаб бўлган.

Юридик адабиётларда экстрадиция тарихий ривожланишини турлича даврлаштириш ҳолатларини учратишимиз мумкин. Мазкур институт узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги ҳамда халқаро миқёсда қўлланилиши туфайли қонунчиликда ва амалиётда турлича номланишига сабаб бўлган. Турли

¹ Словарь иностранных слов. – М., 2010. 590-бет

² Умарханова Д.Ш. Экстрадиция буйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик – Т. 2012. 13-бет

³ Wikipedia маълумоти Манбаа: <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstraditsiya>

⁴ Болтаев М. Марказий Осиёда жиноятчиликка қарши курашиш. Курс иши. Нукус-2015. 6-бет.

мамлакатлар, айниқса, англо-саксон ҳуқуқий тизимига мансуб давлатлар қонунчилик ва ҳуқуқий амалиёти, шунингдек, халқаро тажриба жинойт содир этган ёки содир этишда гумонланаётган шахсни ушлаш ва уни сўраётган давлатга топшириш борасида турли атамалардан фойдаланаётганлигидан далолат беради. Хусусан, бу борадаги “extradition”, “rendition”, “surrender”, “transfer” каби тушунчалар шулар жумласидандир. Айнан “экстрадиция” тушунчаси илк бора 1781 йилда Франция қироли Луи XVI ва Базель шахзодаси Бишоплар ўртасида имзоланган шартномада қўлланилган.

Экстрадиция институти аста-секин давлатлараро ҳамкорликнинг муҳим воситаси сифатида шаклланди ва ривожлантирилди, аста-секин экстрадиция шартномалари сони ортди. Халқаро амалиётда сиёсий жинойтлар экстрадиция қилиш доирасидан чиқариб юборилди, ўз фуқароларини экстрадиция қилиш принципи тасдиқланмади ва ҳоказо. Экстрадиция қилиш учун шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан бир қаторда экстрадиция қилиш бўйича миллий қонунчилик амалиётини ишлаб чиқиш тартиби қабул қилинди. Буюк Британия, Франция, Швецария, Австрия, Германия, Швеция, Россия, Белгияда экстрадиция қилиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Франциянинг ташаббуси билан халқаро жинойт ҳуқуқи соҳасидаги нормаларга сиёсий сабаблар билан ўз давлатидан қувғин қилинган шахслар ушлаб берилмаслиги ҳақидаги муҳим қоида билан тўлдирилди. Шартномаларда ушлаб бериш, ундаги жараёнлар ва қоидалар, дастлабки ушлаб туриш масалалари, ўзаро ҳамкорлик ва ўз фуқароларини ушлаб бермаслик принципи каби махсус қоидалар мустаҳкамланди.

2018-йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида битм тузилган бўлиб унинг 1-моддасида Ушлаб бериш мажбурияти кўрсатилган бўлиб, унга кўра “Ҳар бир томон мазкур битим қоидаларига мувофиқ ва бошқа томоннинг сўровига биноан ўз ҳудудида аниқланган ва бошқа томон тарафидан қидирилаётган шахсларни бундай шахсларга нисбатан жинойт ишларини юритиш ёки чиқарилган ҳукмни ижро этиш учун бир-бирларига ушлаб бериш (экстрадиция қилиш) мажбуриятини ўз зиммасига олади”деб қайд этилган ушу қонуннинг 3-моддасида ушлаб бериш учун асос бўладиган жинойтлар кўрсатилган яъни “Мазкур Битим мақсадларида, ушлаб бериш учун асос бўладиган жинойтлар ҳар иккала томон қонунчилигига мувофиқ, содир этилгани учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки янада оғирроқ жазо қўлланилиши назарда тутилган жинойтлардир. Агар ушлаб бериш тўғрисидаги сўров шу турдаги жинойти учун озодликдан маҳрум қилиш бўйича ҳукмни ижро этиш мақсадида қидирилаётган шахсга доир бўлса, ушлаб бериш тайинланган

жазонинг тугашига камида олти (6) ой муддат қолган ҳоллардагина амалга оширилади.

- Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ҳар иккала томон қонунчилиги бўйича жиноий жазоланадиган қилмиш деб топишда томонлар қонунчилигига мувофиқ қилмишнинг айни турдаги жиноятлар тоифасига мансублиги ёки бир хил атама билан номланганлиги аҳамият касб этмайди.

- Агар жиноят сўраётган томоннинг ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса ва сўралаётган томоннинг қонунчилиги унинг ҳудудидан ташқарида худди шундай ҳолатларда содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни назарда туца, ушлаб бериш амалга оширилади.

- Башарти ушлаб бериш тўғрисидаги сўров ҳар иккала томон қонунчилигига биноан жазоланадиган бир нечта алоҳида жиноятларга доир бўлиб, бундай жиноятларнинг баъзилари мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган бошқа шартларга жавоб бермаса, шахсни ушлаб бериш учун асос бўладиган камида бир жиноят мавжуд бўлган тақдирда, сўралаётган томон ушбу бошқа жиноятлар учун ушлаб беришга рухсат бериши мумкин.⁵

Фойдаланилган адабиётлар

1. Словарь иностранных слов. – М., 2010. 590-бет
2. Умарханова Д.Ш. Экстрадиция буйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик – Т. 2012. 13-бет
3. Wikipediya маълумоти Манбаа:
<https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstraditsiya>
4. Болтаев М. Марказий Осиёда жиноятчиликка қарши курашиш. Курс иши. Нукус-2015. 6-бет.
5. 2018-йил 30-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида”ги битм Манбаа:Lex.uz сайти
<https://lex.uz/docs/-4444585>

⁵ 2018-йил 30-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида”ги битм Манбаа:Lex.uz sayti <https://lex.uz/docs/-4444585>